

## ТАБИЙ СЕРПУШТ ТИПДАГИ ҚОРАКҮЛ ҚЎЗИЛАРИНИНГ ЖУН ҚИРҚИМИ МИҚДОРИ ВА УНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**М.М.Исмоилова**

докторант

### 3.С.Кличев

қ-х.ф.ф.д.(PhD), катта илмий ходим.

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти

---

#### ARTICLE INFO.

---

**Калит сўзлар:** Қоракўл қўйи, серпушт, эгиз, жун қирқими, морфологик таркиби, тивит, қилчиқ, оралиқ тола

---

#### Аннотация

---

В данной статье приводятся результаты о исследований количества шерсти и ее морфологического состава, полученных от каракульских ягнят многоплодного типа в возрасте 12 и 18 месяцев.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

---

**Мавзунинг долзарбилиги.** Қоракўл қўйлари жун маҳсулдорлигининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, уларнинг биологик хусусиятларини кўрсатувчи белги бўлиши билан бирга қўйлар танасининг турли ташқи таъсирлардан ҳимоя воситаси сифатида ҳам аҳамиятга эга, яъни қоракўл қўйлари танасидаги жун ҳисобига табиатдаги турли ташқи таъсирлардан ҳимояланади. Бундан ташқари, жун маҳсулоти саноатни хом ашё билан таъминлашда ҳамда тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жун ҳайвон организмини иссиқда қуёш нуридан, қишида совуқдан сақлайди, ҳамда аминокислоталар олмашинуви жараёнларида фаол иштирок этиши билан бирга ўзининг физико-механик ва экологик хусусиятларига кўра жуда қимматли табиий тола ҳисобланади. Шу сабабли, инсонлар ҳам ҳаёт фаолияти давомида жун хом ашёсидан кўплаб тармоқларда самарали фойдаланиб келишган.

Жуннинг сифатини тавсифловчи мажмуавий хусусиятлари ичida унинг узунлиги муҳим технологик аҳамиятга эга бўлиб, – узунлиги 4 смгача бўлган жун кигиз, кигиз этик (пийма), 4 – 5 см жун мовут тўқиши, 5 – 9 смли жун камвол саноати, 10– 15 см жунлар гилам тўқиши ва 15 смдан узун бўлган жунлар эса техник мақсадларда ишлатилади.

Жуннинг нафакат саноатда балки халқ хўжалигининг жуда кўплаб тармоқларида ишлатилиши туфайли унга бўлган талаб камаймайди, шу сабабли сифатли жун ишлаб чиқаришни кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Қоракўл қўйларининг жун маҳсулдорлигини кўпайтиришнинг асосий йўлларидан бири, қўйларнинг биологик потенциалидан фойдаланиб, уларни шу белги бўйича селекциялаш билан

бир қаторда кўйларнинг ирсий хусусиятлари, конституционал типи, озиқлантириш, сақлаш ва бошқа кўплаб хусусиятлари ҳамда технологик жараёнларга ҳам риоя қилишга боғлиқ.

**Тадқиқот мақсади.** Табиий серпушт типдаги қоракўл қўйларининг жун қирқими миқдори ва унинг морфологик таркибини таққослаб ўрганиб, уларни жун маҳсулдорлиги бўйича мақсадга мувофиқ танлаш.

**Тадқиқот манбай ва усувлари.** Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Нуробод туманининг “Тутли қоракўл замини” масъулияти чекланган жамиятида урчитилувчи қора рангли қоракўл қўзиларда ўтказилди.

Қора рангли серпушт қоракўл қўйларидан олинган авлодларнинг 12-18 ойликдаги жун қирқими ва ҳар хил толалар миқдорини аниқлаш [1] таклиф этган услугуб асосида амалга оширилди. Олинган маълумотларга [2] усулида биометрик ишлов берилди.

**Тадқиқот натижалари.** Ўтказилган тадқиқотлар давомида селекцион гурухдаги совликлардан турли типда туғилган қора рангли қоракўл қўзиларининг 12 ва 18 ойлик ёшидаги жун қирқими миқдорини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар натижалари асосида олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилди.

#### 1-жадвал

**Табиий серпушт типдаги қоракўл қўзиларининг баҳорги ва кузги жун қирқими миқдори, г**

Қўзилар гурухи	Жун қирқими миқдори			
	12-ойлик ёшида		18-ойлик ёшида	
	M±m	C <sub>v</sub>	M±m	C <sub>v</sub>
Эгиз типли қўзилар	1043,3±11,8	11,3	953,4±9,86	10,3
Ёлғиз типли қўзилар	1160,6±14,2	8,7	993,8±11,5	8,2

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики ёлғиз типли қўзилардан 12-ойлигига 1160,6±14,2 г, эгиз типли қўзилардан эса 1043,3±11,8 г жун олинган бўлиб гуруҳлар орасида 117,3 г фарқ кузатилди. Эгиз типли қўзиларнинг 18 ойлик ёшида жун қирқим миқдори 953,4±9,86 г ни ташкил қиласа, ёлғиз типли қўзиларда бу кўрсаткич 993,8±11,5 г ни кўрсатди. Гуруҳлар орасидаги фарқ 40 г ни ташкил қилди. Бу эса гуруҳлар орасида унча катта фарқ мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Баҳорги жун қириқимининг кузги жун қирқимига нисбатан юқори бўлишини, жун қопламининг зичлиги билан бир қаторда узунлигига ҳам узвий боғлиқлиги (1) ўз тадқиқотларида келтириб ўтган.

#### 2-жадвал

**Серпушт типдаги туғилган қўзилар жунининг морфологик таркиби**

Күрсаткичлар	Намунага олинган толалар сони (дона)	Шу жумладан					
		Тивит тола		Оралиқ тола		Қилчиқ тола	
		n	%	n	%	n	%
Эгиз типли қўзилар	836	330	39,5	237	28,3	269	32,2
Ёлғиз типли қўзилар	1109	405	36,5	336	30,3	368	33,2

Тадқиқот натижалари кўрсатади, эгиз ва ёлғиз типа туғилган қўзилар жуннинг морфологик таркиби бўйича олиб борилган тадқиқотларда бу иккала типа туғилган қўзилардан олинган жуннинг морфологик таркибида катта фарқлар аниқланмади.

**Хулоса.** Ўтказилган тадқиқотлар натижасида хар иккала типа туғилган қўзиларнинг жун маҳсулдорлигига ва жун таркибида катта фарқланишлар аниқланмади. Буни эгиз типа туғилган қўзиларнинг асосий биологик кўрсаткичи сифатида яъни, дастлабки ўсиб ривожланиш даврида ўз вазнини ёлғиз типа туғилган қўзилар тирик вазнига тенглашиб олиши билан изоҳлаш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Калинин В.В. Мглинец А.А. “Методики по исследованию свойств шерсти” Дубровицы изд. ВИЖ. Москва 1969. С.16.
2. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии. М. 1978 г.
3. KZ Safarovich., The Interaction of Wool Coat Length and Productivity in Karakul Sheeps. International Journal on Orange Technologies 3 (11), p. 67-69